

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2020 йил 28 август куни, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, судья Б.Каримовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Ўтамуродовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Рустамов, судланувчи Т.Х.Т ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат У.Акрамов, судланувчи Ж.Ў.А ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат Д.Яквалходжиевнинг иштирокида, Т.Х.Т ва Ж.Ў.Аларга нисбатан 1-1007-2002/112-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Т.Х.Т (Т.Х.Т), 1900 йил 00 июль куни Самарқанд вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, икки нафар вояга етмаган фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Самарқанд вилояти, тумани, ҚФЙ, кўчаси 00-уйда яшовчи, дастлабки тергов жараёнида 4.500.000 сўм миқдорида “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, сўнг “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилган, 2020 йил 31 июль кунидан қамоқда сақланаётган, айблов хулосалари нусхасини 2020 йил 24 август куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 251¹-моддасининг 3-қисми ва 276-моддасининг 1-қисми билан айбланган;

Ж.Ў.А (Ж.О.А), 1900 йил 00 ноябрь куни Жиззах вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Жиззах вилояти, тумани, ҚФЙ, ҚФЙ, 000-уйда яшовчи, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб, 2020 йил 31 июль кунидан қамоқда сақланаётган, айблов хулосасини 2020 йил 24 август куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 251¹-моддасининг 3-қисми билан айбланган;

Суд, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ж.Ў.А 2020 йил 18 январь куни соат 17:20ларда гиёҳвандлик



воситалари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни кўп миқдорда қонунга ҳилоф равишда ўтказиш мақсадида Т.Х.Т билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Тошкент шаҳар Учтепа тумани 23-мавзеда жойлашган “Фарход” ресторани қаршисида 3 дона конвалютада 40 дона капсула кўринишидаги “ilko REGAPEN Pregabalin 300 mg” номли кучли таъсир қилувчи дори воситаларини ноқонуний равишда 1.800.000 сўм эвазига “шартли харидор”га сотаётган вақтида ДБҚ Контрабанда ва БҚБга қарши курашиш бошқармаси ва ИИБ ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан қўлга олинган.

Шундан сўнг, тезкор-тадбир давом эттирилиб, 2020 йил 18 январь куни соат 17:20ларда Ж.Ў.Анинг кўрсатмаси асосида “Фарход” тўйхонаси рўпарасида жойлашган “007” дорихонаси ёнида унинг жиноий шериги Т.Х.Т тўхтатилиб, ҳолислар иштирокида текширилганида, Т.Х.Тнинг эғнидаги қора рангли куртакасининг олд пастки чўнтагидан 6 дона конвалютада 77 дона капсула кўринишидаги “ilko REGAPEN Pregabalin 300 mg” номли кучли таъсир қилувчи дори воситалари ҳамда эғнидаги қора рангли шимининг олд ўнг чўнтагидан рангсиз целофан пакетига ўралган, вазни 4,31 грамм бўлган “Марихуана” гиёҳхандлик воситасини сақлаб юрганлиги аниқланиб ДБҚ Контрабанда ва БҚБга қарши курашиш бошқармаси ва ИИБ ходимлари томонидан ҳолислар иштирокида далилий ашё сифатида расмийлаштириб олинган.

ИИБ ЭКБМнинг 2020 йил 20 январдаги 87-сонли судга оид кимёвий экспертизасининг хулосасига кўра, Ж.Ў.Адан олинган 2 дона конвалютаннинг ичидан 14 донада, 1 дона конвалютаннинг ичида 12 донадан оқ-қизил рангли капсулалар бўлган (капсулаларнинг умимий сони: 40 дона) “ilko REGAPEN Pregabalin 300 mg. 1901140018 04 2021” ёзувли конвалютадаги капсулалар таркибида - прегабалин моддаси аниқланган.

Завод қадоғига кўра, бир дона капсуланинг таркибидаги прегабалин моддасининг миқдори 300 мг (0,3 грамм)ни, жами бўлиб 40 дона капсулаларнинг таркибидаги прегабалин моддасининг умумий соф оғирлиги - 12 граммни ташкил этади.

ИИБ ЭКБМнинг 2020 йил 20 январдаги 87-сонли судга оид кимёвий экспертизасининг хулосасига кўра, Т.Х.Тдан олинган 5 дона конвалютаннинг ичида 14 донадан, 1 дона конвалютаннинг ичида 7 донадан оқ-қизил рангли капсулалар бўлган (капсулаларнинг умимий сони: 77 дона) “ilko REGAPEN Pregabalin 300 mg. 1901142030 09 2022” ёзувли конвалютадаги капсулалар таркибида - прегабалин моддаси аниқланган.

Завод қадоғига кўра, бир дона капсуланинг таркибидаги прегабалин моддасининг миқдори 300 мг (0,3 грамм)ни, жами бўлиб 77 дона капсулаларнинг таркибидаги прегабалин моддасининг умумий соф оғирлиги - 23,1 граммни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш” тўғрисида”ги 818-сонли



Қарорининг 1-иловасига мувофиқ “Прегабалин” номли дори воситаси 55-гартиб рақам билан кўрсатилган “кучли таъсир қилувчи” моддалар рўйхатига киритилган.

Шунингдек ИИВ ЭКБМнинг 2020 йил 20 январдаги 87-сонли судга оид кимёвий экспертизасининг хулосасига кўра, Т.Х.Тдан олинган модда таркибида фаол гиёҳванд модда, тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу модда “марихуана” деб аталиши ва унинг умумий оғирлиги 4,31 граммга тенглиги аниқланган.

Судланувчи Т.Х.Т суд мажлисида айбига тўлиқ иқдор бўлиб, у 2019 йил сентябрь ойидан бери Тошкент шаҳар Учтепа тумани 23-мавзеси, “Фарход” тўйхонаси рўпарасидаги “007” номли дорихонани ижарага олиб, дори сотиш билан шуғулланиб келишини, шуғулланиши давомида у “Regapen” номли дори воситасини харидорларга яшириб сотиб келишини, ушбу “Regapen” номли дори воситасини Наманган вилоятида яшовчи “Жавохир” олиб келиб беришини, Жавохир унга “Regapen” дори воситасини ҳар 2 ҳафтада 16 пластинкада сотиш учун ташлаб кетишини, ушбу Жавохирдан охирги мартаба 2020 йилнинг 4 январь куни Тошкент шаҳар Чилонзор туманида жами 16 та блистерда “Regapen” номли дори воситаларини 180 (бир юз саксон) АҚШ долларида сотиб олганлигини, шундан сўнг у ушбу “Regapen” дори воситасини донасини 11.000 сўмдан сотганлигини, ҳар бир дона сотилган “Regapen” дори воситасидан 4.000 сўмдан фойда қилганлигини, унга ушбу “Regapen” дори воситасини сотишида Ўроқбой исмли таниши ёрдамлашиб келишини, Ўроқбойга у “Regapen” дори воситалари савдосини ноқонуний эканлигини тушунтириб, ушбу дориларни сотишда эҳтиёт бўлишини айтганлигини, Ўроқбой ҳам ушбу дорихонада у билан бирга “Regapen” дори воситасини сотиб келишини, 2020 йилнинг 18 январь куни тахминан соат 17.10ларда дорихонада у ва Жабборов Уроқбой дори сотиб турганларида Жабборов Уроқбой ҳозир ёнига “Regapen” дори воситаси сотиб олиш учун харидори келишини айтганлигини ва бир оздан сўнг дорихонага бир нотаниш шахс келганлигини, Жабборов Ўроқбой дорихона ветринасида турган уч листдаги жами 40 дона “Regapen” дори воситасини олиб, ушбу нотаниш шахс билан ташқарига чиқиб кетганлигини, у дорихонада қолганлигини, бироз вақт ўтгач Ж.Ў.А унга кўнғироқ қилиб, у дорихонада қолган “Regapen” дори воситаларини ташқарига олиб чиқишини, ҳалиги харидор дорихонадаги қолган “Regapen” дори воситаларини сотиб олишини айтганлигини, у дорихонадаги барча “Regapen” дори воситасини олиб дорихонадан ташқарига чиққанлигини, кўчада турган Ж.Ў.Ани ёнига бориб, унга “Regapen” дори воситаларини бермоқчи бўлиб турган вақтида ёнига бир неча фуқаролик кийимидаги шахслар келишиб ўзларини Контрабанда ва БҚБга қарши курашиш бошқармасидан деб таништиришганликларини ва тезкор тадбир бўлаётганлигини маълум қилишганликларини ва уни холислар иштирокида кўздан кечиришганида, уни ёнидан жами олти дона листда 77 дона “ilko REGAPEN Pregabalin 300 mg” дори воситаси ва рангсиз пакетчага солинган қуруқ “наша”



гиёхвандлик воситаси борилигини аниқлашиб, ашёвий далил сифатида олиб кўйишганликларини, ходимлар аниқланган ҳолат юзасидан қилинган барча ишларни видео ва фото тасвирга туширишиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришганликларини, ёнидан аниқланган рангсиз пакетчадаги модда “наша” гиёхвандлик воситаси бўлиб, уни ўзига нотаниш бўлган, ундан бир неча маротаба “Regapen” дори воситасини сотиб олган, “Элназар” исмли шахсдан олганини, Элназар уларнинг дорихонасига дори воситаларини олиш учун келиб турганлигини, ўша вақтда у қаттиқ шамоллаганлиги учун ушбу шахс унга мазкур “наша”ни дамлаб ичишини тавсия этиб, берганлигини, у ушбу шахсни “наша”ни қаердан ва кимдан олганлигини билмаслигини. у “ilko REGAPEN Pregabalin 300 mg” дори воситасини 2019 йилнинг сентябрь ойидан буён сотиб келишини, “ilko REGAPEN Pregabalin 300 mg” дори воситасини Наманган вилоятида яшовчи ўзини “Жавохир” деб таништирган шахсдан сотиб олганлигини, Жавохир ушбу дори воситасини Тошкент шаҳрига олиб келиб, турли жойларга чақириб унга бериб кетганлигини, унга +99899 978-17-57 телефон рақамидан кўнғироқ қилганлигини, у аниқ исм-шарифи, яшаш жойини билмаслигини, уни анчадан бери, кўрмаганлиги учун ташқи кўринишини тасвирлаб беролмаслигини, бу дори воситаларини сотиш ноқонуний эканлигини билмаганини, бу ишларга моддий қийинчилик туфайли қўл урганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, ўз ҳаракатларини оқибатини тўлиқ тушуниб етганини, бундан кейин бу каби жиноятларни содир этмаслигини билдириб, уни оилавий шароитини ва моддий аҳволини инобатга олиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб, кўрсатувлар бериб ўтди.

Судланувчи Ж.Ў.А суд мажлисида айбига тўлиқ иқроп бўлиб, Т.Х.Т билан у Самарканд вилояти Булунғур тумани Фозил Йўлдош қишлоғига ўз иши билан борганида танишиб қолганлигини, шундан кейин Т.Х.Т билан салом-алиқ қилиб юрганлигини, Булунғур туманида онамсининг уйлари бўлганлиги сабабли, у ерга тез-тез бориб турганлигини, 2020 йилнинг 16 январь куни Тошкент шаҳрига бир таниши билан Қўйлик бозорига юк машинасида пиёз олиб келган вақтида “Фарход” ресторани қаршисида Т.Х.Тни кўриб қолганлигини, Т.Х.Т ўша ердаги “007” номли дорихонада ишлаб келишини ва уни ўша дорихонага сотувчи қилиб ишга олишини ҳамда унга 1.200.000 сўм ойлик беришини таклиф қилганлигини, у пулга мухтож бўлганлиги туфайли рози бўлганлигини, у дорихонада сотувчиликни бошлаганлигини, сотувчилик вақтида Т.Х.Т унга дориларни сотиш билан қўшимча “Regapen” номли дори воситасини сўраб келган миқдорларга яшириб сотишини айтиб, дорини бир дона нархи 18.000-20.000 сўмдан эканлиги ва ушбу дори-воситаси тақиқланган эканлигини маълум қилганлигини, у ушбу дори-воситасини миқдорларга кўринмайдиган жойига қўйиб яшириб сотишни бошлаганлигини, Т.Х.Т унга 3-4 та пластинка ушбу дориларни ташлаб кетганлигини, 2020 йил 18 январь куни соат 16:00 ларда уни олдига бир нотаниш шахс келиб, “Regapen” сўраганлигини, у “Regapen” борлигини билдириб, донасини



18.000 сўмдан сотишини айтганлигини, унга бир соат ичида пул билан келишини айтганлигини, орадан бир соат ўтмасдан номаълум шахс келиб, 40 дона “Regapen” дори кераклигини айтиб, ушбу дориларни бошқа шахсга сотишини ва ўзи ҳам пул ишлаб олиши учун уни олдида дорини бир донаси 45.000 сўмдан сотилишини айтишини илтимос қилганлигини, у рози бўлганлигини, шунда у билан бирга дорихонадан ташқарига чиқиб, дориларни бошқа жойда сотишини айтганлигини, чунки дорилар тақиқланган дори турига кирганлигини, дорихонада Т.Х.Т ҳам бўлганлигини, у нотаниш шахс билан дорихонадан чиқиб кетганлигини, дорихона рўпарасида жойлашган “Фарход” тўйхонаси олдида ўтиб, нотаниш шахсга 40 дона “Regapen” дорисини кўрсатганлигини ва 1.800.000 сўмга сотган вақтида олдида бир нечта шахслар келиб ўзларини божхона ва ички ишлар ходимлари деб таништириб, тезкор тадбир бўлаётганлигини маълум қилишганликларини, ундан 1.800.000 сўм ва уч дона листда жами 40 дона “Regapen” дори воситасини олиб кўйишганликларини, у ушбу дориларни қолган қисми “007” номли дорихонада турган Т.Х.Тда қолганлигини ва ихтиёри билан ходимларга ёрдам беришини айтганлигини, у ходимларга ёрдам бериш учун Т.Х.Тга кўнғироқ қилиб, қолган “Regapen” дориларни олиб чиқиб беришини сўраганлигини, Т.Х.Т дориларни кўчага олиб чиқиб, унга бериш учун олдида келган вақтида уни ходимлар тўхтатиб қолишганликларини ва уни кўздан кечиришганликларини, ходимлар уни ёнидан олти дона листда 77 дона “Regapen” ва рангсиз целлофанга ўралган қуритилган “наша”га ўхшаш моддалар борлигини аниқлаб, олиб кўйишганликларини, ходимлар аниқланган ҳолат юзасидан қилинган барча ишларни видео ва фото тасвирга туширишиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришганликларини, Т.Х.Т ҳам “Regapen” дори воситаларини бошқа шахсларга дорихонада ноқонуний равишда сотиб келганлигини, у “007” дорихонасида расмий равишда ишламаганлигини, у ерда ишлаб, Т.Х.Тга ёрдам бериб иш ўрганиб, 2-3 кун ишлаганлигини, уни мутахассислиги мусиқа йўналиши бўйича эканлигини, “Regapen” дориларни унга Т.Х.Т олиб келиб берганлигини, уларни қаердан ва кимдан олиб келиб беришини билмаслигини, бу ишларга моддий қийинчилик туфайли қўл урганини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, ўз ҳаракатларини оқибатини тўлиқ тушуниб етганини, бундан кейин бу каби жиноятларни содир этмаслигини билдириб, уни оилавий шароитини ва моддий аҳволини инобатга олиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб, кўрсатувлар бериб ўтди.

Судланувчи Т.Х.Т ва Ж.Ў.Алар ўз айбларига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатувлари бериб ўтсалар-да, уларнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айблари, ўз айбларига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳларнинг қуйидаги кўрсатувлари билан ўз тасдиғини топади.

Жумладан, гувоҳ М.А.Т суд мажлисида, ДБҚ Божхона хизмати ЎМИБ катта тезкор ходими эканлигини, ДБҚ Контрабанда ва БҚБга қарши



курашиш бошқармаси ходимлари ва ИИВ ходимлари билан ҳамкорликда дори-дармон воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга ҳилоф равишда айланувини олдини олиш ва фoш этиш юзасидан мунтазам равишда тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиб келинганлигини, шу билан бир қаторда, Тошкент шаҳар Учтепа тумани 23-мавзесида жойлашган “007” номли дорихона сотувчиси ўзини “Шерзод” деб таништирган йигит “Regapen” номли кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига кирувчи таблеткаларни ҳар бир капсуласини 45.000 сўмдан ҳисоблаб жами 40 донасини 1.800.000 сўмга дорихона ҳудудидан ташқарида сотишни режалаштирганлиги борасида тезкор маълумотлар олинганлигини ва тезкор-тадбир ўтказиш учун руҳсат олинганлигини, мазкур тезкор-тадбирни ўтказишдан олдин режа-топшириқлар тузилиб, раҳбарият томонидан тасдиқланганлигини, 2020 йил 18 январь куни соат 17:00 лар атрофида Тошкент шаҳар Учтепа тумани, 23-мавзесидаги “007” номли дорихонага тезкор-тадбир ўтказиш учун етиб келиниб, ўз иши билан кетаётган икки нафар шахсга ўзларини таништириб, иш юзасидан ҳолис киши сифатида ишда иштирок этишларини сўраганликларини, улар таклифига рози бўлишганликларини, шундан кейин ҳолисларни яқин атрофда турган хизмат автомашинасига ўтказиб, хизмат автомашинасида уларга нотаниш бир фуқарони кўрсатиб, “шартли харидор” сифатида, ўзини “Шерзод” деб таништирган шахс жами 40 дона “Regapen” номли дори воситасини 1.800.000 сўмга сотмоқчи бўлаётганлигини айтиб, ундан ушбу “Regapen” дори воситаларини сотиб олиши айтилиб, тезкор тадбирлар учун ажратилган 180 дона 10.000 сўмлик купюрада жами 1.800.000 сўм ажратилиб, “шартли харидор”га топширганликларини, шундан кейин, соат 17:20ларда ҳолислар ва “шартли харидор” Тошкент шаҳар Учтепа тумани 23-мавзеси. “Фарход” тўйхонаси олдига ўзини “Шерзод” деб таништирган йигит билан “Regapen” дори воситаси олди-сотдисини амалга ошириш учун ўзаро келишганлиги юзасидан мазкур жойга бориб, “шартли харидор” ушбу жойдан йўлнинг нариги томонига ўтиб, у ерда жойлашган “007” номли дорихонага кирганлигини ва дорихонадан ёнида бир нафар шахс билан бирга чиқиб, “Фарход” тўйхонаси олдига келганлигини, “шартли харидор” ва ёнидаги шахс ўзаро гаплашиб туришганлигини ҳамда “шартли харидор” ёнидаги шахсга тадбирга ажратилган пулларни узатганлигини, шахс пулларни олиб, “шартли харидор”га келишилган “Regapen” дори воситасини сотаётган вақтида улар ҳолислар иштирокида воқеа жойига боришиб, шахсга ўз хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, Давлат божхона қўмитаси Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бошқармаси ҳамда ИИВ ходимлари деб таништирганликларини ҳамда тезкор тадбир бўлаётганлиги ҳақида маълум қилиб, бу ерда нималар бўлаётганлигини сўраганликларини, шунда, “шартли харидор”дан пулларни олган шахс ўзини Ж.Ў.А деб таништирганлигини ва “шартли харидор”га жами 40 дона капсула кўринишидаги “Regapen” номли дори воситасини “007” номли дорихонадан олиб чиқиб, кўчада 1.800.000 сўмга ҳеч қандай ҳужжатларсиз



сотаётган вақтида тўхтатиб қолинганлигини, “007” номли дорихонада сотувчи Т.Х.Т сотиши керак бўлган яна “Regaren” дори воситалари борлигини маълум қилганлигини, шундан кейин, фуқаро Ж.Ў.Адан “шартли харидор”га сотаётганда тўхтатиб қолинган дорилар ҳамда “шартли харидор”дан олган пулларни ўзи ва холислар иштирокида кўздан кечирганларида, улар “Regaren” номли дори воситалари эканлиги улар жами уч дона конвалютада эканлиги, ҳар бир конвалютада ўн тўрт донадан ва бир дона конвалтада ўн икки дона эканлиги, икки донаси бўш ҳолда эканлиги, шунингдек, ундан аниқланган пуллар кўздан кечиришганида, тезкор тадбир бошланишидан олдин “шартли харидор”га баённома асосида берилган пуллар эканлиги маълум бўлганлигини, шу сабабли, мазкур пулларга эҳтиёж қолмаганлиги сабабли, ушбу пулларни Давлат божхона кўмитаси ҳисобига қайтариб топширганлигини, шундан сўнг, Ж.Ў.А ёрдамида тезкор тадбир давом эттирилиб, “Фарход” тўйхонаси рўпарасида жойлашган “007” номли дорихонадан чиқиб, кўча бўйлаб Ж.Ў.Ани ёнига пиёда келган Т.Х.Тни холислар иштирокида кўздан кечирганларида унинг кийиб олган қора рангли куртакаси олд пастки чўнтагидан олти дона конвалютада жами 77 дона капсула кўринишида “Regaren” номли дори воситалари ҳамда унинг қора рангли шимининг олд ўнг чўнтагидан эса рангсиз пакетчага солинган, қуруқ ҳолдаги оч яшил рангли, ўткир ҳидли, гиёҳвандлик воситасига ўхшаш модда борлигини ва ушбу модда электрон тарозида ўлчаб кўрилганида ўрами билан жами 5 граммни ташкил этганлигини аниқлаб, ашёвий далил сифатида олиб кўйганликларини, аниқланган ҳолат юзасидан қилинган барча ишларни видео ва фото тасвирга тушурилганлигини, судланувчиларга нисбатан ҳеч қандай жисмоний ва рухий тазйиқ ўтказилмаганлигини баён қилди.

Гувоҳ С.Ё.Э суд мажлисида, 2020 йил 18 январь куни соат 17:00 лар атрофида Тошкент шаҳар Учтепа тумани, 23-мавзесининг “Фарход” бозорига яқин жойда ўз иши билан кетаётган вақтида, олдида бир нечта фуқаролик кийимидаги шахслар келишиб, ўзларини Давлат божхона кўмитаси Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бошқармаси ходимлари деб таништиришганликларини, ундан бир иш юзасидан холис киши сифатида ишда иштирок этишини сўрашганликларини, унинг вақти бўлганлиги учун уларни таклифига рози бўлганлигини, бу вақтда ходимлар яна бир фуқарони ишга холис киши сифатида жалб этишганлигини ҳамда уларга холисининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришганликларини, шундан кейин ходимлар уларни яқин атрофда турган хизмат автомашинасига ўтиришларини айтишганлигини, хизмат автомашинасида уларга нотаниш бир фуқарони кўрсатишиб, уни “шартли харидор” деб таништиришиб, ўзини “Шерзод” деб таништирган шахс жами 40 дона “Regaren” номли дори воситасини 1.800.000 сўмга сотмоқчи бўлаётганлигини, унинг бундай қонунга хилоф равишдаги ҳатти-ҳаракатларига чек қўйиш мақсадида “шартли харидор”га хизмат идорасидан тезкор тадбирлар учун ажратилган пуллардан жами 1.800.000 сўм ажратилиб, “шартли харидор”га топширилганлигини,



Учтепа тумани “Фарход” тўйхонаси олдига ўзини “Шерзод” деб таништирган йигит билан “Regapen” дори воситаси олиш учун борганлигини, “шартли харидор” ушбу жойдан йўлнинг нариги томонига ўтиб, у ерда жойлашган “007” номли дорихонага кирганлигини ва дорихонадан ёнида бир нафар шахс билан бирга чиқиб, “Фарход” тўйхонаси олдига келганлигини, “шартли харидор” ёнидаги шахсга тадбирга ажратилган пулларни узатганлигини, шахс пулларни олиб, “шартли харидор”га уч дона конвалютадаги жами 40 дона капсула кўринишида “Regapen” номли дори воситасини “007” номли дорихонадан олиб чиқиб, кўчада 1.800.000 сўмга ҳеч қандай ҳужжатларсиз сотаётган вақтида ходимлар томонидан тўхтатиб қолинганлигини, Ж.Ў.А ёрдамида тезкор тадбир давом эттиришиб, “007” номли дорихонадан чиқиб, кўча бўйлаб Т.Х.Тни тўхтатишиб, унга ходимлар ўзларини таништиришганликларини, Т.Х.Тни шахсига аниқлик киритиб, холислар иштирокида кўздан кечиришганида унинг кийиб олган қора рангли куртакаси олд пастки чўнтагидан олти дона конвалютада жами 77 дона капсула кўринишида “Regapen” номли дори воситалари ҳамда унинг қора рангли шимининг олд ўнг чўнтагидан эса рангсиз пакетчага солинган. куруқ холдаги яшил рангли, ўткир ҳидли, гиёҳвандлик воситаси борлигини ва ушбу модда электрон тарозида ўлчаб кўрилганида 5 грамни ташкил этганлигини аниқлашиб, ашёвий далил сифатида олиб кўйишганликларини, ходимлар аниқланган ҳолат юзасидан барча ишларни видео ва фото тасвирга туширишганликларини, тегишли ҳужжатларни расмийлаштирилганлигини баён қилди.

Суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95, 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи Т.Х.Т ва Ж.Ў.Аларнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айблари қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, яъни суд мажлисига узрли сабабларсиз ҳозир бўлмаган гувоҳларнинг дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатувлари, суд мажлисида, судланувчи ва процесс иштирокчиларининг розилиги билан ўқиб эшиттирилганида, судланувчилар томонидан тасдиқланганлиги билан, шунингдек, жиноят иши ҳужжатларидаги ички ишлар органи ходимининг билдиргиси, ашёвий далилни олиш баённомаси, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика Бош Марказининг 2020 йил 20 январдаги 87-сонли суд-кимёвий экспертиза хулосаси, нарсани олиш баённомаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор, юзлаштириш баённомаси, тушунтириш хатлари ва жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан ўз исботини тўлиқ топади деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Т.Х.Тнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, унинг ҳаракатлари, гиёҳвандлик



воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлашда ифодаланган жиноят аломатларига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан ҳамда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда, кўп миқдорда олиш, сақлаш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказишда ифодаланган жиноят аломатларига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 251¹-моддасининг 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, судланувчи Ж.Ў.Анинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, унинг ҳаракатлари, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда, кўп миқдорда олиш, сақлаш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказишда ифодаланган жиноят аломатларига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 251¹-моддасининг 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1,3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Т.Х.Тга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддаси талабларига риоя қилиб, юқорида кўрсатилган Пленум қарорларидаги раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, Т.Х.Тни ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, ЖКнинг 56-моддаси талабларига риоя қилиб, мазкур жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Т.Х.Тнинг шахсини, ундан олинган кучли таъсир қилувчи моддалар тури ва миқдорини инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони йўқ деган қатъий хулосага келсада, Ўзбекистон Республикаси Олий суди



Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 37-бандида “Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф ҳулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳоказо)” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, Т.Х.Тни ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини кўллаб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 251¹-моддасининг 3-қисми билан ушбу модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан ушбу модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ж.Ў.Ага нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддаси талабларига риоя қилиб, юқорида кўрсатилган Пленум қарорларидаги раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, Ж.Ў.Ани ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, муқаддам судланмаганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, ЖКнинг 56-моддаси талабларига риоя қилиб, мазкур жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ж.Ў.Анинг шахсини, ундан олинган кучли таъсир қилувчи моддалар тури ва миқдорини инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони йўқ деган қатъий ҳулосага келсада, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 37-бандида “Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг моддаси санкциясида назарда



тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа энгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони энгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф ҳулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳоказо)” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, Ж.Ў.Ани ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, муқаддам судланмаганлигини, инobatга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 251¹-моддасининг 3-қисми билан ушбу модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, Тошкент шаҳар наркология диспансерининг 2020 йил 2 мартдаги 190,191-сонли далолатномаларига асосан, Т.Х.Т ва Ж.Ў.Алар гиёҳвандликдан даволанишга муҳтож эмаслигини инobatга олган ҳолда, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасини қўлламасликни лозим деб топади.

Шунингдек суд, судланувчи Т.Х.Тга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида гаров қўлланилган бўлиб, бироқ суд мажлисига тегишли тартибда чақиртирилишига қарамасдан сабабсиз келмасдан бош тортганлиги сабабли унга нисбатан туман судининг 2020 йил 11 июндаги ажримига кўра қидирув эълон қилинган. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПК 249-моддасига кўра судланувчи Т.Х.Т зиммасига олган мажбуриятларини бузганлиги сабабли гаров пулларини давлат фойдасига ўтказишни, ҳамда Тошкент шаҳар Учтепа туман ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ ашёвий далилларни сақлаш хонасида 2020/5-сонли қвитанция асосида сақланаётган жами 115 дона “ilko REGAPEN Pregabalin 300 mg” номли кучли таъсир қилувчи дори воситалари ва ашёвий далил деб эътироф этилган “марихуана” гиёҳвандлик воситасини экспертиза ўтказиш вақтидаги тадқиқот жараёнида сарфланганидан қолган қисми, яъни Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Хўжалик бошқармасида 0017574-сонли қвитанция асосида сақланаётган 4,24 грамм “марихуана” гиёҳвандлик воситаларини тегишли тартибда йўқ қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473 моддаларига асосан, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:



Т.Х.Т (Т.Х.Т) Ўзбекистон Республикаси ЖК 251¹-моддасининг 3-қисми ва 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Т.Х.Тга Ўзбекистон Республикаси ЖК 251¹-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, **3 (уч)** йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Т.Х.Тга Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан **2 (икки)** йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида Т.Х.Тга тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил **3 (уч)** йил **3 (уч)** ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2020 йил 31 июлдан бошлаб ҳисоблансин.

Т.Х.Тга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Ж.Ў.А (Ж.О.А) Ўзбекистон Республикаси ЖК 251¹-моддасининг 3-қисми назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ж.Ў.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖК 251¹-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, **3 (уч)** йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2020 йил 31 июлдан бошлаб ҳисоблансин.

Ж.Ў.Ага нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Дастлабки тергов жараёнида Т.Х.Т томонидан “гаров” тариқасида топширилган ва Тошкент шаҳар ИИББ Молия-иқтисод бўлими ҳисоб рақамида 18530-сонли квитанция асосида сақланаётган 4.500.000 (тўрт миллион беш юз минг) сўм миқдоридagi гаров пули ҳукм қонуний кучга киргач давлат даромадига ўтказилсин.

Иш юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилиб, Тошкент шаҳар Учтепа туман ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ ашёвий далилларни сақлаш хонасида 2020/5-сонли квитанция асосида сақланаётган жами 115 дона “ilko REGAPEN Pregabalin 300 mg” номли кучли таъсир қилувчи дори воситалари – ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Иш юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган “марихуана” гиёҳвандлик воситасини экспертиза ўтказиш вақтидаги тадқиқот жараёнида сарфланганидан қолган қисми, яъни Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Хўжалик бошқармасида 0017574-сонли квитанция асосида сақланаётган 4,24 грамм “марихуана” гиёҳвандлик воситаси - ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланганлар ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу



муддат ичида, апелляция тартибида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Б.Каримов

Ҳукм аслига тўғри.

